

*Дустмуродов Орифжон Исматиллоевич*

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети таянч докторанти  
Телефон: +998909889484

*Тошмаматова Маржона Олимжон қизи*

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
Хорижий тил Ингилиз тили фан ўқитувчиси

## **ХУДУДИЙ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳудудий туризм хизматларини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ҳудудий туризм хизматларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва омиллари, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда туризм хизматларини роли, ҳудудларда туризм хизматларини ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек янги хизмат турларини тадбиқ этиш, туристик ресурслардан мақсадли фойдаланиш, ҳудудий туризм хизматларини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш, туризм хизматларини рақамлаштириш, туризм хизматлари бозорини тартибга солишнинг илмий-услубий ёндошувлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** инновацион, рекреацион ҳудудлар, туристик ресурс, иқтисодий самарадорлик, замонавий хизматлар, асосий тамойиллар, барқарор иқтисодиёт, рақамли хизматлар.

### **Кириш (Introduction)**

Туризм соҳаси иқтисодий самарадорлигининг ошиши туризм хизматларининг ҳар томонлама ривожланганлигида кўринади, яъни бунга туризмнинг мамлакатдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан параллел равишда ва ўзаро алоқада ривожланиши натижасида эришилади. Туризм соҳаси маҳаллий аҳоли ҳамда хорижий фуқоролар борадиган минтақаларнинг тарихи, у ердаги тарихий архитектура объектларлари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, маросимлари бўйича кишилар билимларини ошириш, зиёратгоҳ жойларни зиёрат қилиш, соғломлаштириш хизматларидан фойдаланиш билан бир қаторда шу мамлакат ёки минтақа иқтисодиётига бевосита валюталар оқимини олиб келиш, маҳаллий аҳолининг яшаш шароитини ошириш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашади. Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган ҳуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади.

Жаҳонда туризм хизматлари бозорини ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш ҳозирги даврда устивор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда ҳудудий туризмга минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда ва миллий иқтисодиётда

туризмни ривожлантиришнинг самарали моделини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда ҳудудий туризмга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва туризмнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Бугунги кунда республикада иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизда туризм фаолиятини рағбатлантириш масаласи бўйича муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2022 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-75-сон Фармони, 2022 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-135-сон Қарори, 2022 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сон Қарори қабул қилинди.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)**

Ҳудудий туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш хусусида дунёнинг етакчи олимларидан Майк Ставенга, Р.М.Болмостор, М.Б.Биржаков, В.И.Никифоров ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий изланишларида аҳолига тўғридан-тўғри ўтганлар. Хусусан С.Г.Сурков ва В.И.Криворучконинг “Международный туризм в России: проблемы развития и управления” номли асарида Россияда халқаро туризм бозори ривожланишининг асосий йўналишлари ва интеграцион жараёнлар, туризм индустрияси субъектлари фаолияти, халқаро туризмни тартибга солиш механизмлари, халқаро туристик сиёсатнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказилган[1]

Шунингдек мамлакатимизнинг етакчи олимлари М.Т.Алимова ўзининг “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари” номли докторлик диссертациясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, маркетинг концепцияси орқали туристик маҳсулотлар рағбатлантиришнинг ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳудудий туристик кластерни шакллантириш бўйича илмий мулоҳазалар келтирилган[2] ҳамда туризм ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари, глобаллашув жараёнларининг туристик фаолиятга таъсири ва туризм дестинацияси ривожланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсуноваларнинг тадқиқотлари мамлакатимизда туризм соҳасини ва индустриясини ривожлантириш, туристик-рекреацион хизматларни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, уларда туризмда рекреацион хизматларнинг шаклланиши масалаларига аҳолига эътибор қаратилган.[3] Мазкур тадқиқотларда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ёритилган.

М.Т. Алиеваниннг илмий ишларида кичик меҳмонхоналарнинг аксарияти мустақил меҳмонхоналар, яъни улар бундай мулкдан даромад олувчиларнинг эркин тасарруфида эканлигини кўрсатади. Муаллиф бошқариш ёки бировнинг хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш масалаларида бошқа компаниялар билан шартнома мажбуриятларининг мавжудлиги корхонаниннг бозор муносабатлари

бошқа субъектларига нисбатан мустақил корхона сифатидаги мақоми ўзгаришига сабаб бўлмайди[4] деган фикрни такидлайди.

А. Амонбоев, Д.И. Абидова, Н.А. Жураевалар илмий ишларида туризм дам олиш структурасини яратади, у нафақат туристлар томонидан, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам фойдаланилиши мумкин, янги туристик марказларнинг пайдо бўлиши сервис савдо марказларининг пайдо бўлишига, йўлларнинг қурилишига, ҳордиқ чиқариш корхонларининг вужудга келишига олиб келади ва у ўраб турган инфратузилмага, истеъмол бозорига ва бошқа тадбиркорлик фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатади[5] деган фикрларни билдиришган.

### **Тадқиқот методологияси (Research Methodology)**

Тадқиқот ишида инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ҳамда жаҳонда юз бераётган турли салбий иқтисодий ўзгаришлар, туризм соҳасини комплекс ривожлантириш, ҳудудий туризм ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, туризм хизматларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ва омиллари ўрганилиб, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда таҳлил ва синтез, кузатиш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, расмий-мантиқий, операцияларни тадқиқ этиш, статистика ва иқтисодий таҳлил каби усуллар орқали туризм соҳаси ривожланишининг ўстувор йўналишларини белгилаш таклиф этилган. Шунингдек, ҳудудларда туристик объектлар фаолиятини самарали ташкил этиш, туристик инфратузилмаларни оқилона ривожлантириш ва сифатли кадрларни тайёрлаш ҳамда туризм индустрияси ривожланишини кўллаб-қувватлаш даражалари бўйича омилларга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)**

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу соҳани давлат томонидан кўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш, ички истеъмол бозоридаги талаб ва таклифни мувозанатлаш ва ҳаёт сифатини яхшилашнинг муҳим омилларидан биридир. Бугунги кунда ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.[6]

Туристтик хизматлар халқаро савдонинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Замонавий туризм давлат ва бошқа молиявий ҳамда иқтисодий институтлар, ташкилотлар назорат қилаётган ва бошқарилаётган бозор муҳитида фаолият кўрсатмоқда. Шу туфайли барча туристик корхона ва ташкилотлар ҳозирги пайтда асосий уч иқтисодий тамойиллар асосида фаолият курсатиб келмоқда (1-расм)



**1-расм. Уч иқтисодий тамойиллар асосидаги фаолият[7]**

1-расмда келтирилган туристик корхона ва ташкилотларда уч иқтисодий тамойиллар асосидаги фаолиятни қуйидагича изоҳлаймиз:

биринчидан, улар хўжалик юритиш эркинлигини ва, бинобарин, ташаббус ва масъулият эркинлигини маъқул кўришади;

иккинчидан, уларнинг хўжалик фаолияти туристик бозор қонунларига (нарх, талаб ва таклиф, рақобат, пул айланиши, нархни шакллантириш қонунлари) объектив равишда бўйсунди;

учинчидан, давлат ва ижтимоий институтлар (хусусан, касаба уюшмалари) туризм соҳасида бозор жараёнларини бошқаришда туристга, табиатга ва, умуман, жамиятга нисбатан ижтимоий ва ахлоқий тарбия муносабатини жорий этишга ҳаракат қиладилар.

Замонавий туризмда хўжалик юритиш фаолияти бозор ва институционал тартибга солувчи механизмларни бирлаштиришга қаратилган. Туристтик корхоналарнинг бозор муҳитида амал қилиши туризм бозорининг узига хос жиҳати ва қонуниятларини ҳолис ўрганишни талаб қилади. Амалда бу замонавий туризм иқтисодиёти туризм бозорида талаб ва таклифни ҳар томонлама таҳлил қилишнинг қуйидаги жиҳатларини ўз ичига олиши керак:

туризм бозорининг амал қилиш механизми, унинг сегментланганлиги ва мавсумийлик тавсифи;

туризм бозори ва сегментларининг функциялари;

туризмда нархларнинг шаклланиши;

туризм соҳасида талабга таъсир қилувчи омилларни ва нарх ҳамда туловга қодир талабнинг таъсирини ўрганиш;

туристик хизматлар таклифига таъсир қилувчи, жумладан нарх ва нархга боғлиқ бўлмаган омилларни ўрганиш (инвестициялар ва таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган детерминантлари).

Туризм фаолиятидаги иқтисодий мувозанат узоқ муддатли истикболда туризм индустриясини чуқур молиявий-иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади. Туристик ресурслар ва унинг моддий-техник базасини таҳлил қилиш туристик таклифнинг мавжуд имконияти, жумладан, туристик маҳсулотнинг сифатига оид масалалар ечимини тақозо этади.

Худудий туризм иқтисодиётида муҳим муаммолардан бири соҳада ишчи кучидан фойдаланиш бўлиб, туристик фаолиятнинг иқтисодий самарадорлиги унинг турли жабҳаларида ифодаланади.

Худудий туризм иқтисодиётининг муҳим жиҳатларидан бири даромадлар таҳлилидир: иш ҳаки ва меҳнатнинг қиймати; капитал қиймати ва фоизи; туристик рента. Асосий эътибор туристик рента ва туристик маҳсулотга қаратилмоғи керак. Бу худудий туризм манбаларининг ўз-ўзини молиялаштириш ва туризм соҳасида ишлаб чиқариш омилларининг маҳсулдорлик чегарасини ўрнатишдан иборат.

Худудий туризм фаолияти молиявий муаммоларни ҳам ўз ичига олади, жумладан, туристик корхонанинг молиявий ресурслари, кредит маблағларидан фойдаланиш имконияти, банк ва банк тизими билан ўзаро алоқаси, бюджет буғинлари ва солиққа тортиш тизими. Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий шароитида туризмда молиялаштириш ва солиққа тортиш масалалари муҳим аҳамиятига эга бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида туб иқтисодий ўзгаришлар рўй берди, жумладан: хусусиялаштириш, аграр ислохотлар, нархларни эркинлаштириш, ишлаб чиқариш қўламининг пасайиши ва инфляция. Буларнинг барчаси ҳеч шубҳасиз туризм соҳасида ҳам ўз аксини топди. Туризм соҳасида корхоналарнинг тури, туризмни ташкил қилиш, соҳада тижорат муносабатларнинг тўлиқ қарор топиши, минтақада худудий туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш шулар жумласига киради.

Туризм соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатларини аниқлаш мақсадида туризм бозорини бошқариш тизимининг шаклланиш муаммоларига бағишланган иқтисодий адабиётлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасидаги етакчи туристик корхоналарининг бошқарув тажрибаси чуқур таҳлил қилинди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра худудий туризм бозорини бошқаришда иқтисодий механизмнинг куйидаги камчиликлари аниқланди:

худудий туризм бозорининг ҳолати ва туристик корхоналарда бошқарув самарадорлигини ошириш йўналишларини аниқлашда баҳолаш ва режалаштириш механизмнинг мавжуд эмаслиги;

худудий туризм бозорининг амалдаги тузилмаларини бошқаришнинг иқтисодий механизмларининг мавжуд эмаслиги;

Шу боисдан ҳам тадқиқот жараёнида худудий туризм бозорининг ташкилий тизимини бошқариш усуллари, мақсад ва вазифалари, шаклланиш шарт-шароитларини илмий асослаш кўзда тутилди. Худудий туризм бозорини бошқариш тизими ўзининг тамойиллари билан ажралиб туради. Худудий туризм бозорини бошқаришга хос бошқарув тамойилларига куйидагиларни киритишимиз мумкин:

туризм бозорининг шаклланиш ва ривожланиш шарт-шароитларини аниқ ифодалаш;

бошқарув тамойиллари туристик корхоналарда барқарорлик ва самарадорлик масалалари нималарга боғлиқ эканлигини асослаши ва аниқ ифодалай олиши;

тамойилларни гуруҳлаш ривожланишининг икки йўналишида, яъни статик (тузилма) ва динамик (жараёнлар) шаклида кўриб чиқиши керак;

ушбу тамайилларнинг тавсифи ва натижавийлиги келгусида уларни миқдор жиҳатдан таҳлил қилиш имконини бериши керак.


Шундай қилиб ҳудудий туризм бозорида бошқарув тизимининг шаклланиши икки босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда тизимнинг тузилмасини аниқлаш. Иккинчи босқичда тизимнинг ҳар бир элементи бўйича уларнинг таркиби ва ички тузилмасини аниқлаш.

Ҳудудий туризмни бошқаришнинг амалдаги ташкилий тузилмасида жорий вазифалар истиқболдаги тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишни кўзда тутучи ва туризм бозори самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболдаги вазифалар иккинчи даражали бўлиб қолмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, жорий ва истиқбол кўрсаткичлар айнан бир тоифадаги ҳамда айнан битта раҳбарга юклатилган, иккинчидан, яхлит ривожланиш аҳамиятига эга бўлган кўпгина вазифалар турли хизмат бўлимлари ёки бўлинмалари томонидан амалга оширилганлиги сабабли, турлича хулоса ва тавсиялар берилмоқда. Учинчидан, туризм ривожланишининг ноанъанавий муаммолари ва вазифалари билан ҳеч ким шуғулланмайди. Бу каби масалаларни ҳал этишда горизонтал ёки латерал муносабатлар устунлик қилади ва бошқарувнинг барча бўғин ва бўлимлари айнан бир вазифа билан шуғулланишга мажбур бўлмоқда.

Бу шуни ифодалайдики, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-техник муаммолар комплекс ҳал қилинмайди, мувофиқлаштириш сезилмайди ҳамда корхона раҳбарияти томонидан туркорхона фаолиятининг иқтисодий таҳлили, назорати ва прогнози туристик хизматлар кўрсатишнинг барча босқичларида амалга оширилмайди. Буларнинг барчаси, амалиётдан кўриниб турибдики туристик корхоналарни бошқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётда давлат аралашувисиз самарага эришиш мураккаб вазифа саналади. Айниқса давлат томонидан тартибга солиш мулкчилик шаклидан катъий назар туристик корхоналар ривожланиши учун жуда муҳимдир. Бу зарурат шу билан изоҳланадики, давлат туристик корхоналар учун аввало истеъмолчи сифатида уларнинг солиқ ва бошқа даромадлари ва солиқ тушумларини давлат бюджети ва бошқа марказлашган фондларга жалб қилади. Табиийки, ушбу тушумлар натижасида корхоналар томонидан кўрсатилган туристик хизматлар улуши ҳам ортиб боради.



2-расм. Худудий туризм ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар[8]

Худудий туризм хизматлар бозори ривожланишига таъсир кўрсатишида рағбатлантирувчи ва чекловчи омиллар 1.2.2- расмда келтирилган. Рағбатлантирувчи омиллар демографик, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ўз ичига олади.

**Демографик омилларга** худудий туризм хизматлар бозори ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларга дунё бўйича аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация, аҳолининг сифатли хизматларга талаби ошиши, хориж тилини билиш даражаси кўтарилиши каби омилларни киритиш мумкин.

Туристик хизматлар бозорининг ривожланишида халқаро **иқтисодий омилларнинг** ҳам аҳамияти катта бўлиб, бу жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, илмий-техник тарақиётнинг жадаллашуви, аҳоли даромадларининг ўсиши, туризм моддий-техник базасининг ривожланишида акс этади. Натижада моддий ишлаб чиқаришнинг номоддий ишлаб чиқаришга трансформацияси кузатилади ва хизматлар истеъмоли, жумладан туристик хизматлар истеъмоли ҳам ортиб боради.

Замонавий компьютер технологияларининг ривожланиши хизмат кўрсатиш янги йўналишларининг пайдо бўлишига, интернет тармоғи бўйлаб туризм инфратузилмасининг ривожланишига олиб келди (Онлайн хизматлар).

Ижтимоий омиллар - бу инсонларнинг турмуш шароити билан боғлиқ омиллардир. Халқаро туризм ривожланишига ҳақ тўланадиган таътиллار сонининг кўпайиши, жумладан таътиллارнинг икки қисмга бўлиниши инсонларнинг йил давомида саёҳат уюштиришга имкон беради.

Чеклаштирувчи омилларни халқаро ва маҳаллий омилларга бўлиш мумкин. Халқаро омилларга мавсумийлик, сиёсий вазият, иқтисодий ва табиий шарт-шароитлар киради. Туризм бозорининг муҳим хусусиятларидан бири туристик талаб ва таклифнинг мавсумийлигидир.

Кейинги ўн йилликда хорижий олимларнинг илмий ишларида туризмнинг мавсумийлик масалаларига етарлича тўхталиб ўтилган, чунки бу омил ҳудудларда туристик бозорнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, унинг таъсир даражаси эса туризмни бошқариш соҳасига оид давлат дастурлари асосида тартибга солинади.

Мавсумийликнинг муҳим жиҳатларидан бири туристик таклифни мавсум хусусиятларига кўра қондириш имкониятининг йўқлиги ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан “нофаол” мавсумларда фойдаланиш имкониятининг йўқлигидир. Турдош тармоқлар ҳам мазкур муаммодан катта азият чекади, чунки улар ушбу муаммодан холос бўлиш мақсадида доимий яшаш жойини ўзгартириш имкониятига эга эмас.

Мамлакатимиз туризм индустриясининг фаолиятида мавсумийлик омили мавжудлиги Ўзбекистоннинг иқлимий шарт-шароитлари ва туристик маҳсулотни шакллантиришда айнан табиий-иқлимий омиллар муҳим рол ўйнаши билан изоҳланади (1.2.2.-расмга қarang).


Мамлакатимиз туристларининг ички туризмда ўз имкониятларидан келиб чиқиб, дам олишни асосан ёз ойларида амалга оширишларининг турғун ҳолати шаклланган бўлиб, бу ойларда саёҳатлар ҳажми 30,3% (июнь, июль ва август ойлари) га тўғри келади. Бунда асосан оилавий дам олишга эътибор берилади - сентябрда саёҳатлар сонининг 1,5 карра (август ойида 10,5 % дан сентябр ойида 7,5% га тушган) тушиб кетиши ўқув йилининг бошланиши билан изоҳланади, уртача оилавий саёҳат 3 кишидан иборат бўлган оила билан амалга оширилади.

1.2.3-расмда курсатилганидек, **чикувчи туристик** оқим динамикаси таклиф спекторининг кенглигига кўра мавсумийлик таъсирига деярли учрамайди, бунда жами хизмат кўрсатилган туристлар сонига нисбатан май, июн ва июл ойларида 31,0 % ҳамда август, октябрь ва ноябрь ойларида 25,2 % туристлар бошқа мамлакатларга саёхат қилганлар.

**Кирувчи туристлар** оқими жами хизмат кўрсатилган туристлар сонига нисбатан апрел, май ойларида 27,3 %, октябрь ва ноябрь ойида 20,4 % ташкил қилиб, асосан йилнинг мўтадил иқлим пайтига тўғри келади ва унинг ўсиш суръати асосан мавсумий курсатилган ойларни ташкил қилади.

Йилнинг январь, февраль ва декабрь ойларида туристлар оқимининг кескин пасайиши туроператорларимиз томонидан тайёрланган дастурлар таъсирчанлигининг пастлиги ва ушбу ойларда туристларни жалб қиладиган оммавий тадбирларнинг йўқлиги билан баҳоланади, бу эса оилавий ва гуруҳ бўлиб келадиган саёхатларнинг туризм бозоридаги ўрнини йўқотишга олиб келмоқда.

Ўзбекистон туристик хизматлар бозорида халқаро ҳамжамият томонидан “туристик инқилоб” дея тарифланадиган турмаҳсулотларга ўсиб бораётган талаб айниқса “туристик мавсум”, яъни март-июнь, сентябрь-ноябрь ойларида 100% га тўлади ва мавжуд жойлаштириш воситалари мавсум даврида ушбу талабни қондириш имкониятига эга бўлмайди, натижада туристларга сифати паст хизматлар таклиф қилинади.



**3-расм. Ўзбекистонда саёхат қилиш мавсумига кўра 2019 йилда хизмат кўрсатилган туристлар сонининг тақсимланиши[9]**

Мавсумийликка, жумладан туристик бозорнинг мавсумийлик тавсифига, шунингдек давлатнинг ички сиёсати, халқаро алоқалар, харбий можаро ва турли террорчилик хуружлари ҳам сабаб бўлади.

Туристтик бозор ривожланишига лимитловчи таъсир курсатадиган иқтисодий омилларга мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасини ҳам киритиш мумкин. Мамлакатда ҳудудий ва халқаро туризм қанчалик тараққий этган бўлса,

ушбу мамлакатда туризм инфратузилмаси ҳам бой моддий-техник базага эга бўлади ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳам юқори бўлади. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда қарийб 33,9 миллион Ўзбекистонликларнинг 10,9 миллиони (32 фоизи) ички турларда қатнашган. Қарийб 12 миллион (35 фоизи) дан ортиқ аҳолимиз эса халқаро саёхатлар уюштирди.[10] Бу маълумотлар шундан далолат берадики аҳолимизнинг 35 фоизи туристик ва кўнгил очар хизматлардан умуман фойдаланмайдилар. Бунинг сабабларидан бири, аҳоли бўш вақтининг йўқлиги ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади.

Табиий омилларнинг таъсири турли табиий ҳодисалар билан боғлиқ. Буларга зилзила, тўфонлар, сел келиши, ёнғин, кўчки ва шу кабилар қиради. Табиий омиллар нафақат туризм инфратузилмасига, балки ҳудуддаги экологик вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий омилларга туристик талаб ва таклифнинг чекланиши (бу ҳолат асосан мамлакатдаги иқтисодий вазият ва туризм инфратузилмаси ривожланиш даражаси билан боғлиқ бўлиши мумкин); экологик чекловлар (шовқин даражасининг чекланиши, антропоген таъсирнинг олдини олишга қаратилган сиёсат ва шу кабилар); туристик дестинациялар тўғрисида маълумотларнинг етарли эмаслиги ҳамда туристик ресурслар тақчиллигини киритиш мумкин.

Туризм хизматлари бозорининг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш Ўзбекистан Республикасида ички туризмга хос қуйидаги асосий муаммоларни аниқлаш имконини бери:

туризм индустрияси корхоналарининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган режалаштириш фаолиятида туб узгаришларнинг мавжуд эмаслиги;

маҳаллий туристик ресурсларни такрор ишлаб чиқаришнинг мавжуд эмаслиги натижасида ресурсларнинг бозор қиймати ва нархининг пасайиши;

тақдим этилаётган туристик хизматларнинг рақобатбардош эмаслиги боис, бозордаги мавқеини йўқотиб бораётганлиги;

ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмайётганлиги.

Туризмнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, экспорт қилинган туристик хизматлар четга чиқиб кетмайди, балки, мамлакатнинг ўзида истеъмол қилинади. Турмаҳсулот истеъмолчиси турмаҳсулотгача бўлган масофани ўзи босиб ўтиб келади. Туризм хизматлар савдоси сифатида жаҳон бозорида кўринмас экспортни акс эттиради. У мамлакатнинг жаҳон бозоридаги тўлов балансига сезиларли таъсир кўрсатади.

Турмаҳсулотга хорижий бозорлар бўйлаб силжитишда мамлакат ҳукумати томонидан ташаббус илгари сурилиши керак. Чунки давлат мазкур бозорлар ўртасидаги оммавий ахборот воситалари ва бошқа воситалар орқали алоқаларни тиклайди ва йулга қўяди.

Ҳудудий туризм мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларга сезиларли таъсир кўрсатади ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омили сифатида ҳам қаралади.

Ҳудудлар мисолида бой табиий-рекреацион салоҳият, ноёб маданий-тарихий ёдгорликлар, қулай трансчегаравий жойлашув жиҳатдан бошқа вилоятларга нисбатан устунлиги, соҳага кадрлар тайёрлашнинг ривожланган тизимига эга бўлган Самарканд вилоятида туризм инфратузилмаси яхши ривожланган.

Анкета сўровида ҳудудий туризмнинг Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун аҳамиятли жиҳати ва унинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган омиллари таҳлил қилинди.

Ўтказилган анкета сўровида бозор улуши 57% ташкил этган вилоятнинг 16 та етакчи туристик корхона ва ташкилотлари иштирок этди. Респондентларнинг 97 фоизи ҳудудий туризмни вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқладилар.

Ҳудудий туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: ҳудудий туризмнинг давлат томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаслиги, аҳоли даромадларининг пасайиши, ҳудудий турларнинг рентабеллик даражаси пастлиги, туризм индустрияси маҳсулот ва хизматлари нархининг юқорилиги, ҳудудий туризмни амалга ошириш учун элелтрон дастурлар камлиги Самарқанд вилояти ва бошқа вилоятлар ўртасида авиарейсларнинг етишмовчилиги ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг ички бозорда монопол мавқега эга эканлиги янги туристик маршрутларни ривожлантириш ва шакллантириш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш доирасида мазкур масалаларни комплекс ёндашув асосида ҳал этиш ҳамда истикболда ташриф буюрадиган хорижий ва ички туристлар учун янада қулай шарт-шароитларга эга туризм инфратузилмасини барпо этиш лозим. Шу туфайли Самарқанд вилоятига хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, уларга кўрсатиладиган хизматлар хилма-хиллигини ошириш ва сифатини таъминлаш, янги туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда ҳудудий туризмни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш усуллари қўллашда қуйидаги вазифаларни бажариш лозимлиги таъкид қилинди:

туризм тармоғини бошқа тармоқлар билан манфаатли ҳамкорлигининг замонавий усул ва механизмларини йўлга қўйиш;

ҳозирги ўзгарувчан шароитда бошқарув қарорларнинг самарали моделини жорий қилиш;

ҳудудий туризм хизматларини кўрсатишда рақамлаштириш технологияларидан оптемал фойдаланиш;

табиий ва инсон ресурсларидан самарали ва рационал фойдаланиш;

ҳудудий туризмни ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг самарали сарфланишини назорат этиш;

ҳудудий туризм инфратузилмаси объектларини тўғри жойлаштириш ва уларни самарали ривожлантиришни иқтисодий қўллаб-қувватлаш.

### **Хулоса ва тақлифлар (Conclusion)**

Хулоса қилиб айтганда жаҳонда сўнгги йиллардаги иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг хўжалик фаолиятида, шунингдек улардаги бошқарув тизимининг ҳам тузилмавий ўзгаришини тақозо этмоқда. Давлат томонидан ҳудудларда туризм соҳасини яхлит ривожлан-тиришга таъсир кўрсатиш сиёсати ҳудудларда муҳим аҳамиятга эга. Туризмга стратегик мақомининг берилиши ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ислохотлар ва туризмга бўлган эътиборнинг ортиши мазкур соҳада тадқиқотларнинг кенгайишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача бўлган даврда туризм соҳасини

ривожлантириш Концециясига кўра, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳудудий туризмни барқарор ривожлантириш асосида туризм хизматлар бозорини барқарор ривожланишига эришишни таъминлашга қаратилди.

Бизнинг фикримизча, ҳудудий туризмни ривожлантиришда иқтисодий самарадорликни оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

- инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ҳар томонлама оширишни таъминлаш;

- Ўзбекистонда ҳудудий туризмни ривожлантиришда мазкур хизмат турлари доирасида туристлар оқимини жалб қилишга муҳим масала сифатида қараш;

- Ўзбекистонда туризм бозорини ривожлантиришнинг бугунги босқичида давлат ташкилотларининг асосий вазифаси хорижий туристлар билан бир қаторда маҳаллий туристларини ички бозорга йўналтириш;

- ҳудудий туристик ресурсларни ривожлантириш, туристик-рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- соҳада эркин рақобатни рағбатлантириш мақсадида бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий-иқтисодий муҳитни таъминлаш;

- туристик хизматлар бозорида рақобатни ҳимоя қилиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сурков С.Г. Международный туризм в России: проблемы развития и управления / С.Г. Сурков, В.И. Криворучко. – М.: Советский спорт, 2009. – 214 с.

2. Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.

3. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 151-б.

4. М.Т. Алиева. Мехмонхона менежменти. Дарслик. – Т.: 2007. -335с.

5. Amonboyev M., Abidova D.I., Jurayeva N.A. Turizm iqtisodiyoti va menejmenti. O.,quruv qo.,llanma. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2019. - 226 bet.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 22 апрелдаги Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши.

7. Муаллиф ишланмаси.

8. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

9. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда туризм” статистик тўплами (2020 й) маълумотлари асосида тайёрланди.

10. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда туризм” статистик тўлам (2020 й) маълумотлари асосида тайёрланди.